“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Ўзмиллийбанк” АЖ
Ички аудит департаменти
директори в.б. М.Мираҳмедов
_____
«11» июн 2026 йил

“Ўзмиллийбанк” АЖ Ички аудит департаментида ўтказилган
ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ БАЁНИ

2026 йил 11 июн № _____ Тошкент ш.

Раислик қилди: Ички аудит департаменти директори в.б. М.Мираҳмедов

Қатнашдилар: Ички аудит департаменти ходимлари

К У Н Т А Р Т И Б И

Ўзмиллийбанк АЖ Коррупцияни олдини олиш бошқармаси томонидан юборилган, 2026 йилга мўлжалланган ўқув режасига асосан, “Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати тушунчаси ва унинг мақсади” мавзусида ўтказилган ўқув машғулоти 1 ва 2 қисми

(М.Мираҳмедов, У.Имомов, С.Джалалова, департамент ходимлари, М.Мираҳмедов)

Ички аудит департаменти директори вазифасини бажарувчи М.Мираҳмедов йиғилиш баёнини очиб бериб, қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистоннинг янги сиёсатида, шу қатори Банкимиз тизимида адолат ва қонун устуворлигини юксак даражага кўтариш, замонавий самарали давлат бошқарувини жорий этиш, давлат хизматида коррупциявий ҳолатларнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан қатъий муросасизлик маданиятини шакллантиришга қаратилган юксак ғояларга таянади.

Ушбу ислоҳотларнинг пойдеворида Президент Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилган **“Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”** деган тамойил мужассам бўлиб, бугунги кунда барча имкониятлар халқ манфаатларини таъминлашга сафарбар этилмоқда.

Департамент ассистенти С.Джалалова томонидан Коррупцияни олдини олиш бошқармаси томонидан юборилган ўқув машғулоти матни ўқиб эшиттирилди:

Коррупциянинг тарихий илдизлари ва уни бартараф этишдаги усулларни куриб чиқиш мақсадли деб биламиз. Коррупция (лотинча corruptio - бузиш, тизимни издан чиқариш, пора эвазига оғдириб олиш деган маъноларни англатади) деганда - одатда мансабдор шахслар томонидан унга берилган мансаб ваколатлари ва ҳуқуқларидан узлари ёки якин инсонларининг шахсий манфаатларини кузлаб қонунчилик ва ахлоқ қоидаларига зид равишда фойдаланишларини англатади.

Коррупция иллати демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказади, инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади, эркин бозор фаолиятига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик ва бошқа салбий ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради. Шу боис, ҳар қандай демократик давлат ушбу иллатга қарши курашиш бўйича қатъий чораларни кўради. Ўз навбатида, ушбу чоралар давлат Сиёсатининг мазмуни ва барқарорлигини ташкил қилади.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари

- Тарғибот, ташвиқот ва таълим
- Коррупциянинг олдини олиш ва қарши курашиш
- Коррупцияга чек қўйишда жавобгарликни кучайтириш

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати орқали коррупциявий ҳуқуқбузарликлар бартараф этилади, мамлакатнинг барқарор ривожланиши таъминланади ҳамда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолат қарор топади. Шу боис, Ўзбекистонда ҳам коррупцияга қарши курашиш олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. *Ўзбекистон Республикаси Президенти: "Коррупциянинг ҳар қандай кўринишига муросасиз муносабатда бўлиш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шарт", деб ҳақли равишда таъкидлаган.*

Ўқув адабиётларида жамиятдаги коррупциянинг қуйидаги бир қатор кўринишлари мавжуд эканлиги эътироф этилади:

Майиий коррупция. Бу турдаги жиноятда фуқаро ўз ишини битириш учун мансабдор шахсга пора беради, мансабдор шахс ўз мансаб ваколатини сотиб, қонунга зид равишда, фуқаро томонидан берилган "совға" ёки пора эвазига унинг ишини битириб беради.

Ушбу иллат, одатда, касалхоналар, таълим ташкилотлари, ички ишлар бўлимлари ва бошқа шулар каби жойларда асосий давлат хизматларидан фойдаланиш жараёнида ҳокимиятнинг қуйи ва ўрта бўғинлари мансабдор шахсларининг ваколатларини суиистеъмол қилишларида намоён бўлади.

Ишбилармонлик коррупцияси. Ушбу қилмиш давлат хизматчилари ва тадбиркорлар ўртасида содир этилади. Яъни тадбиркор ўз ишини битириш учун давлат хизматчисига пора беради ёки моддий манфаатдор қилади, давлат хизматчиси эса, ушбу тадбиркорни берилган пора ёки кўрсатилган хизмат эвазига ўз ваколатларини суиистеъмол қилади.

Бу эса, давлат маблағлари ва ресурсларининг самарасиз тақсимланиши ва сарфланишига, бизнесни юритишда кўп вақт ва моддий ҳаражатларга, молиявий ва тижорат хавфларининг кенгайишига, нархларнинг ўсишига, рақобат муҳитининг ёмонлашишига, хуфиёна иқтисодиётнинг ривожланишига, солиқ тушумларининг камайишига, инвестицион муҳитнинг ёмонлашишига, инвестицияларнинг камайиши ва умуман мамлакат иқтисодиёти самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Юқори ҳокимият вакиллари коррупцияси. Ушбу қилмиш мамлакатнинг юқори турувчи ҳокимият раҳбарлари, сиёсий партиялар, суд ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан содир этилади. Бунда сиёсий ўйинлар орқали мамлакат бошқарилади, уни сайлаган фуқароларнинг хоҳиш-иродасига зид

равишда сиёсат юритилади, ошна- оғайничилик орқали ҳукумат мансаблари эгалланади. Шунингдек, ушбу турдаги коррупция амалдаги давлат сиёсатини йўққа чиқарадиган, ҳукумат даражасида амалга ошириладиган сиёсий ва ҳукумат раҳбарларига халқ ҳисобидан манфаат кўришга имкон берадиган ҳаракатларда намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунида илк маротаба коррупцияга қарши давлат сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Унга кўра, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;
- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, келтириб чиқарувчи оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини қатьий таъминлаш.

Соддароқ ифода этганда, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати тарғибот, ташвиқот ва таълим, коррупциянинг олдини олиш, коррупцияга чек қўйиш ва жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш каби чораларни ўз ичига олади. Қонунда ушбу йўналишлардаги вазифалар аниқ белгилаб берилди.

Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш сиёсати

Мақсади:

- Ташкилотда барча ходимлар томонидан амал қилиниши мажбурий бўлган тартиб-таомилларни жорий этиш, ходимларнинг соҳага оид ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳалолликни таъминлаш орқали ходимлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган коррупциявий ҳукукбузарликларнинг олдини олиш.

Вазифалари:

- ходимларнинг хулк-атвор, одоб-аҳлоқ қоидалари, касбий ва хизмат вазифаларини бажаришлари давомида фаолиятидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган аниқ стандартларни белгилаш;
- ходимлар томонидан соҳага оид Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва Қонуности ҳужжатларини мазмун моҳиятини тушуниши ҳамда уларга риоя этилиши;
- коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш ҳамда манфаатлар тўқнашувини бошқариш ва бошқа тартибга солувчи ҳужжатлар орқали коррупция ҳолатларининг олдини олиш.

Бугунги Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади ҳар томонлама ривожланган, эркин ва фаровон, қонун устувор бўлган, инсонпарвар замонавий демократик давлатлар қаторига қўшилиш ҳамда бунинг учун мамлакатимизда барча соҳаларда юқори ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, миллий ҳуқуқ тизимида ислоҳотларнинг янги даври бошланди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини амалда таъминлашга нисбатан муносабатни тубдан ўзгартириш тизимдаги

ислоҳотларнинг бош ғоясига айланди. Сўнгги беш йил давомида ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш бўйича юзлаб қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш

Мамлакатимизда Коррупциянинг олдини олиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланганлиги бежиз эмас. Чунки коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан кўра, унинг олдини олиш афзалдир. Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни 4-бобида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар ва уларни амалий ижросини таъминлаш механизмларини ёритишга қаратилган.

Қонуннинг 19-моддасида давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат эканлиги белгиланган:

- давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва уларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ва бошқа ходимларининг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши юзасидан масъулиятини кучайтириш;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органларининг фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;
- давлат органлари ва ходимларининг фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик;
- давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларининг бажарилиши самарадорлиги мезонларини, стандартлари ва унинг сифатини баҳолаш тизимларини жорий этиш;
- давлат органлари ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари фаолиятдаги одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгиловчи одоб-ахлоқ қоидаларини самарали амалга ошириш;
- давлат органлари ходимлари манфаатларининг тўқнашувини ҳал қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларга риоя этилиши юзасидан мониторинг ўтказиб борилишини таъминлаш;
- давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, хизматни ўташнинг шаффоф тартибини ўрнатиш, шахсий ва касбий сифатлар, очиқлик, беғаразлик, адолатлилик ва холислик принциплари асосида танлов бўйича саралаш ҳамда хизматда кўтарилиш тизимини жорий этиш;
- давлат органлари ва ташкилотлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши, мурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши, улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари,

эркинликларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўрилиши устидан назоратни таъминлаш;

- давлат органлари фаолиятида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан улар томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаган ҳолда мунтазам равишда мониторинг ўтказиш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш;

- давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг самарали ижтимоий ҳимоя қилиниши, моддий таъминот олиши ва рағбатлантирилишини таъминлаш.

Бундан ташқари, қонунчиликда давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин эканлиги аниқ белгилаб қўйилган.

Бунга мисол сифатида, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунида белгиланган чора-тадбирларни келтириш мумкин. Қонуннинг 3-моддасида белгиланишича, харид қилиш тартиб- таомилларини ташкил этиш ва ўтказишга доир талаблар давлат харидлари соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслиги керак.

Бунда коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар устувор бўлади. Шунингдек, давлат буюртмачилари давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаши керак.

Қонунга кўра, давлат харидларида коррупцияга йўл қўймаслик:

- инсофли рақобатни ва қарорлар қабул қилиш чоғида холисона мезонлардан фойдаланишни таъминлаш;

- мониторинг ва назорат ўтказишнинг, шу жумладан, ички мониторинг ва назорат ўтказишнинг самарали тизими яратилишини;

- ушбу Қонун ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар ахборотнинг очиқ манбаларида эълон қилиб борилишини;

- давлат харидлари тартиб-таомиллари ушбу Қонунда белгиланган талабларга мувофиқ ўтказилишини таъминлаш кабиларни назарда тутади. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар миқёси жуда кенг ва унинг натижадорлиги жуда юқори ҳисобланади. Шу боис, бугунги фаол ислоҳотлар даврида коррупцияга қарши курашнинг профилактик чораларини фаол қўллаш зарур.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ватанимизнинг эртанги кунини порлоқ бўлиши, келажак авлоднинг яхши хаёт кечириши, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари химояланишини тулиқ таъминлаш ва рўёбга чиқариш учун - барчамиз биргаликда Коррупцияни олдини олишни дамда унга қарши курашишни энг асосий мақсадлардан бирига айлантириб, бу иллатни йўқ қилишга интилишимиз лозим.

Ўқув машғулотини Департамент директори ўринбосари-катта аудитор У.Имомов давом эттириб, ўз маърузасида 2026 йил 10 ва 11 июн куни "Administrator of Central" электрон манзилидан келган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 июндаги ПҚ-228 сонли Қарори талабларига, шунингдек, мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада оширишга қаратилган "Йўл харитаси"га асосан тизимда фаолият юритаётган ва янгидан ишга қабул қилинган ходимларнинг Коррупцияни олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш борасида билим савиялари ва малакаларини ошириш, мазкур давлат сиёсатини илгари суришда ишлаб чиқилган ички тартиб-таомиллардан

хабардорликларини ошириш, уларда Коррупциянинг ҳар қандай кўринишига нисбатан “муросасизлик маданияти” ҳамда унга қарши “иммунитет”ни ҳосил қилиш мақсадида ушбу маълумотлар берилганлигини маълум қилди.

Ўқув машғулоти давомида Департамент ходимларини ўқиб эшиттирилган маълумотлар ва кўрсатмалар бўйича фикр мулоҳазалари ва мавзудан шакланган тушунчалари бўйича давра суҳбати ўтказилди. Хар бир аудиторга ўз йўналишида иш юритишга доир кўрсатма ва йўриқномалар бериб ўтилди.

Юқорида келтирилганларни инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. “Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати” тушунчаси ва унинг мақсади мавзусида ўтказилган ўқув машғулотида берилган ахборотлар маълумот учун қабул қилинсин

2. Коррупциянинг ҳар қандай кўринишига муросасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзимизга айлансин;

3. Аудиторлар томонидан ўз лавозим мажбуриятларини бажаришларида ҳамда иш фаолиятларида манфаатлар тўқнашуви ёки коррупцияга олиб келувчи ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларга йўл қўйилмасин;

4. Аудитор-эксперт Ж.Авазов ўтказилаётган аудит текширувларида химоянинг иккинчи чизиғида коррупцияни олдини олиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик йўналишидаги назорат тизимларини ўрганиб борсин, ҳолатини баҳоласин ва мавжуд заифликлар бўйича Банк тузилмаларидаги манфаатдор томонларга ахборот / маълумот юборилишини таъминласин;

5. Мазкур ўқув машғулоти баёни билан йиғилиш иштирокчилари шахсий имзосини қўйган ҳолда таништирилсин.

Баённомани тузувчи:

Ички аудит департаменти ассистенти **С.Джалалова**

Ўқув машғулоти иштрокчилари:

Катта аудитор-директор ўринбосари У.Имомов

Катта аудитор-директор ўринбосари А.Алимов

Аудитор-тахлилчи У.Мусинов

Аудитор-тахлилчи М.Матякубов

Аудитор- эксперт Ж.Авазов

Аудитор Ю.Ахатов

Аудитор Р.Мирзаев

Аудитор Ш.Қаршиев

Аудитор А.Кадиров

Abdulaziz Alimov

От:	Administrator of Central
Отправлено:	10 июня 2026 г. 11:19
Кому:	NBU-ALL Staff
Тема:	1-КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ
Вложения:	1-Коррупцияга қарши курашиш йўналишида давлат сиёсатини асосий йўналишлари.pdf

2026 йил “Ўзмиллийбанк” АЖ тизими ходимларини Коррупцияни олдини олишда йўналишида малакаларини оширишга қаратилган ўқув материалларини ўзлаштириш ҳақида Эслатма

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 июндаги ПҚ-228-сонли Қарори талабларига ҳамда “Ўзмиллийбанк” АЖнинг 2026 йил 27 январдаги 255-F-сонли Фармойиши билан тасдиқланган Ўқув режаси ва Дастурига асосан Банк тизимида фаолият юритаётган ва янгидан ишга қабул қилинган ходимларнинг Коррупцияга карши курашиш йўналишида билим савиялари, малакалари, шунингдек, уларда коррупциянинг ҳар қандай кўринишига нисбатан “муросасиз муносабат”ни шакллантириш, бу борадаги ички тартиб-таомиллардан хабардорликларини ошириш мақсадида **“1-КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ”** ҳақида тайёрланган ўқув материали - масъулият билан ўрганиб, тааллуқлилиги жиҳатидан амалиётда фойдаланиш ҳамда бу борадаги талабларга тўлиқ амал қилиш учун эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Коррупцияни олдини олиш бошқармаси

Maksuda Achilova

От:	Administrator of Central
Отправлено:	Thursday, June 11, 2026 10:07 AM
Кому:	NBU-ALL Staff
Тема:	2-КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ
Вложения:	2-Коррупцияга қарши курашиш йўналишида давлат сиёсатини асосий йўналишлари.pdf

2026 йил “Ўзмиллийбанк” АЖ тизими ходимларини Коррупцияни олдини олиш йўналишида малакаларини оширишга қаратилган ўқув материалларини ўзлаштириш ҳақида Эслатма

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 июндаги ПҚ-228-сонли Қарори талабларига ҳамда “Ўзмиллийбанк” АЖнинг 2026 йил 27 январдаги 255-F-сонли Фармойиши билан тасдиқланган Ўқув режаси ва Дастурига асосан Банк тизимида фаолият юритаётган ва янгидан ишга қабул қилинган ходимларнинг Коррупцияга карши курашиш йўналишида билим савиялари, малакалари, шунингдек, уларда коррупциянинг ҳар қандай кўринишига нисбатан “муросасиз муносабат”ни шакллантириш, бу борадаги ички тартиб-таомиллардан хабардорликларини ошириш мақсадида **“2-КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ”** ҳақида тайёрланган ўқув материали - масъулият билан ўрганиб, тааллуқлилиги жиҳатидан амалиётда фойдаланиш ҳамда бу борадаги талабларга тўлиқ амал қилиш учун эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Коррупцияни олдини олиш бошқармаси